



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



*Alisher
Navoiy*

580

5 февраль 2021 йил
Бухоро



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 5 февраль. Бухоро

Тўпلامдан республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда Алишер Навоий ижодининг турли қирралари, уни ўрганиш масалаларига доир илмий кузатишлар жамланган бўлиб, мазкур соҳага оид барча мутахассисларга мўлжалланган.

Тўплаг нашруга тайёрловчилар:
Р.Ражабова, Н.Қодирова, Н.Ўроқова

Тақризчилар:
Ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.н. Т.Асадов

Мазкур илмий тўплаг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги 4865-сонли “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.

tushunchalarni ifrdalovchi ko'plab leksik birliklar ham qo'llanilgan. Ulug' shoir harflar imlosiga alohida e'tibor beradi. U deyarli har bir asarida alifbodagi harflar xususida juda ko'p to'xtaladi. Harflarning ta'rif-u tavsifini batafsil izohlaydi. Shu paytga qadar Navoiy asarlaridagi alifboga munosabat turlicha o'rganilgan. Turkiyshunos olimlar tomonidan asosan, alifboning imlo xususiyatlari, shoirning bu boradagi fikrlari kabi masalalar qisman o'rganilgan bo'lsa, adabiyotshunos olimlar tomonidan ko'proq alifboning badiiy san'atlarga aloqador xususiyatlari tadqiq etilgan. Biroq Alisher Navoiy asarlaridagi alifboning imloviy va vazifaviy xususiyatlari alohida tadqiqot ob'yekti bo'lgan emas. Shu tufayli ham shoir asarlaridagi alifbo bilan bog'liq ba'zi masalalar o'z yechimini topmagan. Kelajakda, yosh tilshunos, matnshunos, adabiyotshunos olimlar bu masalalarga albatta e'tibor beradi, deb umid qilamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» ro'znomasi, T.,2003. 9-may.
2. Munirov Q , Nosirov L. Alisher Navoiy asarlarining Sharqshunoslik instituti to'plamidagi qo'lyozmalari . — T., 1970; 47 - 49 - betlar.
3. Hakimov M . Navoiy asarlarini ko'chirgan xattotlar . // Ilmiy to'plam . - T., 1991, 4 5 -betlar.
4. Shukurov Sh . « G'aroyib us sigar»ning zeru zar qo'lyozma nusxasida.//Alisher Navoiy tavvaludining 550 yilligiga bag'ishlangan ilmiy konferensiyasida . -T., 1991. 49 - 50 - betlar.
5. Murodov A. O'rta Osiyo xattotlik san'ati tarixidan . - T.,1971.
6. Alisher Navoiy. Mahbub ul - qulub // Mukammal asarlar to'plami. -T., 1998, 26 - 27 - betlar .

УЛУҒБЕК ҲАМДАМ ИЖОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

Давронова Шоҳсанам,

БухДУ доценти, филология фанлари доктори

Адабий жараёндаги етакчи тамойиллар адабий анъаналардан озикланган ҳолда такомиллашиб боради. Шу жумладан, замонавий адабиётимизнинг ҳам таянч манбаи адабиёт тарихидаги ҳаётбахш анъаналардир.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романида Шарқ адабиётида ўлмас анъаналар, айниқса, Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан таъсирланиш ҳолати кузатилади. Романда муҳаббат, ижтимоий тенгсизлик, оталар ва болалар муаммолари бугунги замон кишилари ҳаёти мисолида ҳикоя қилинади. Тўғри, ушбу муаммолар абадий ва азалий

масалалардан. Бироқ ёзувчининг азалий муаммога ёндашуви ўзига хос. Ижодкор адабий синтез имкониятларидан моҳирона фойдаланади: мумтоз асарларда қўлланилган бадиий восита ва усулларни ижодий қайта ишлайди ва романда қўллашга интилади. Ёзувчининг, буюк ўзбек шоири Навоий анъаналарини ижодий ўзлаштиришга интилганини таҳлиллар орқали кўриб чиқамиз.

Самандар ўз тақдирининг Мажнун тақдирига монандлигини ҳамиша ҳис этади. У ишқ савдосини ҳали Сабони кўрмасданоқ англаган, қизнинг қиёфаси унинг хаёлида шаклланиган эди: “Шу лаҳза йигитнинг хаёлида нотаниш бир парирўй, гўзал бир маҳвашнинг дилрабо ликоси зуҳр этди. У бунинг синоатини тушунмади: хаёлми, тушми ва ё бошқа нарса? Аммо уни аниқ кўрди! Йўқ, у китобларда минг бир қиёфада тасвирланган Мажнуннинг Лайлиси эмасди. Тўғри, қаеридир ўхшарди: қизнинг нигоҳлари қаъридаги нимадир, қандайдир жунунваш ўт уни Лайлига монанд этар, аммо унинг ўзи бошқа, Лайлининг ўзгинаси эмасди. Самандарнинг кўзига ров кўришиб, сўнг яна шундай тезликда ғойиб бўлган Ойрухсор қиз Худойимнинг тамоман бошқа яратиғи эди...” Навоий талқинидаги Мажнун ҳам дунёга келган ондаёқ, Лайлини ҳали учратмасиданоқ ишқ билан туғилган эди. Самандарнинг хаёлидаги Лайлига монанд қиз ҳам Сабони учратмасидан аввалроқ Самандарнинг тасавурида тикланганди.

Бош қаҳрамон портретини чизишда ёзувчига қадимий адабий тажрибалар ёрдамга келади. Асарнинг бош қаҳрамони Самандар тасвирини кузатайлик: “Самандар ўрта бўйдан тикроқ, буғдойранг, бутун келбатидан меҳнатда обдан тоблангани шундоқ билиниб турадиган чайир йигит бўлиб етишди. Лекин унга кўзи тушган одамнинг эсида қоладигани бу сифатлар эмас, балки ботик кўзларининг теран ва ўткир нигоҳи, бургутникидек тик тушган қирра бурни, жипс юмилган ва ўзида изтироблар захмини муҳрлаган лаблари... шуларнинг барини ўзида мужассам этган мағрур ва маҳзун қиёфаси эди” . Қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси дастлабки тасавурдаёқ афсонавий қаҳрамон Фарҳодни эсга солади. Унинг алп келбатию, меҳнаткашлиги, шунинг билан бирга ташқи кўринишида зоҳир бўлиб турган қалб изтироблари ва асарнинг яна бошқа бир ўрнида Самандар меҳнатдан қочмаслиги, ўзини аямай ишга шўнғиши тасвирланган. Сабодан айрилганлигига иқроп бўлгач, у ўзга юртларда қалбидаги туғёнлар алангасини билакка ўтказиш орқали вақтини фақат машаққатли меҳнат билан ўтказди.

Асарнинг бош қаҳрамонларида мумтоз адабиёт намуналари, айниқса, “Хамса” дostonларига хос романтик руҳ сезилади. “Мен шу уйда сўнги нафасимгача қолишни истайман! Ишқ билан кўз очиб, ишқ билан кўз юмсам

дейман!”, деган истак Сабони бир умр тарк этмади. Иккала қаҳрамон ҳам туйғулар, хаёллар оламида яшайдилар, романтик фикрлайдилар. Ишқ-муҳаббат, садоқат, вафо каби тушунчаларни нозик ва самовий тушунадилар, талқин этадилар. Ёшлари ўтгани, бошқа-бошқа кишилар билан турмуш куриб, ҳаёт кечираётган, фарзандларни ўстириб-улғайтирган бўлишса-да, бир-бирларига бўлган оташин муҳаббатлари оламида яшайдилар. Ишқ-муҳаббат тушунчасини тирикликнинг таянчи деб биладиларки, айти хусусиятлар Шарқ халқлари дostonчилигида етакчи мотивни ташкил этади.

“Сабо ва Самандар”да жаҳон ва ўзбек адабиётида муҳаббат мавзусига бағишлаб ёзилган ва китобхонлар қалбидан жой олган бир қанча асарларга хос бадиий гўзалликларнинг унсурлари, уларнинг ўлмас сабоқларидан озикланиш белгилари сезилади. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун”, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Шекспирнинг “Ромео ва Жульетта”, Иоганн Вольфганг Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” каби асарлари шулар жумласидандир.

Адабиётда муҳаббатнинг ўлмаслиги, қаҳрамонларнинг ўз самимий майллари бадиий асарнинг юқори пафос билан ифода этилган эпизодларини ташкил этади. Инсоннинг эзгу истаклари, самимий муносабатлари, нозик ҳиссиётларига тўсқинлик қилувчи нафс, худбинлик каби иллатлар, шунингдек, ижтимоий ихтилофлар бу иккала асар конфликтдаги асосий муаммолардандир.

Навоий асарида ижтимоий тараққиётга зид бўлган ҳукмрон табақа амал-одатларидаги норасолик, қабилалар ўртасидаги душманлик, ота-она ва фарзандлар муносабатидаги зиддиятлар, инсон эрки масалалари қаламга олинган.

Улуғбек Ҳамдам романида ҳам айнан ана шунга яқин манзара бадиий тасвир этилади. Жамиятнинг юқори бўғинида турган оила зиёли, ҳар томонлама мукамал ва энг муҳими, фарзанди учун қадри бўлишига қарамасдан, иккинчи бир оилани ўзига муносиб кўрмайди. Ўлмас, азалий ва ҳаётий моҳиятга эга бўлган ушбу мавзу ўзбек халқининг, янги замон кишиларининг ҳаётида кечган воқелик тарзида баён қилинади. Сабо ва Самандар – иқтисодий, ижтимоий, техникавий, маданий тараққиёт жадал бораётган замон ёшлари. Улар ҳаёт кечираётган ижтимоий шароитда ўзини тафтиш этувчи, хатоларидан қийналувчи, айти пайтда, лафз тушунчасини ардоқловчи мураккаб шахс Саидкамолдек оталар; жамиятнинг янги бўғинида тадбиркор, ишбилармон номини олиб, даромад ва манфаат, фойда ва ўзгалар устидан ҳукмронлик қилиш имкониятини берувчи куч-қудрат, шахсий иштиёқларини қандай бўлмасин амалга ошириш иложини қўлга киритиш

йўлида дўстлик, инсонийлик, садоқат каби тушунчаларнинг қийматини йўққа чиқаришдан тоймайдиган Шердиллар; инсонни ҳурмат қилиш, унинг ҳиссиёт ва ҳолатларини тушуниш, дўстига ҳамisha ёрдам қўлини чўзишга тайёр турган Бакирлар; қисматининг чигалликларига бардош ва ақл билан бўйсуниб, оиласи ва фарзандлари бахти учун фидойилик билан ҳаёт кечирган Солиҳалар бор. Аммо худбинлик, нафс иллатлари ҳар қандай инсоннинг ўз ҳаётини барбод қилиши баробарида яқинларининг бахти учун ҳам хавф туғдириши асарда ишонарли поэтик усулларда тасвирлаб берилади.

Ижтимоий зиддиятлар ва муаммолардан энг кўп азият чекувчилар айниқса аёллардир. Навоий ўз қаҳрамонлари бўлган қизларнинг тақдирини тасвирлайди. Лайлидаги бундай кайфият унинг Мажнунга ёзган хати орқали китобхонга янада ёрқин аён бўлади:

Сенинг нечаким ғамингга йўқ маҳл,
Чун эр кишисен бу саҳл эрур, саҳл.
Ҳар сори урай десанг такингни,
Тутқучи тикандур этакингни.
Этак дағи пойбандинг эрмас,
Даври зиҳи ҳам камандинг эрмас.
Мискин мени зору пойбаста,
Йўқ, йўқки, заифи по шикаста.
Не майли сукун, не ҳадди рафтор,
Юз қайди бало аро гирифтор.
Бўлмоқ юз алам уйида маҳбус
Бир ён, яна бир ён ўлди номус.
Эр мажлиси ичра роҳ эрур зеб,
Хотун кишига салоҳ эрур зеб.

Лайли – Шарқ қизи. Унинг фикрлаши, қарашлари, тасаввури Шарқ кишисининг қарашлари. Қолаверса, қизнинг муҳокамаларида ўз даври аёлларининг қисмати тўғрисидаги ҳақиқатлар ётади.

“Сабо ва Самандар”да ҳам қизнинг юрак изтироблари хат орқали янада аниқроқ маълум этилади. Аммо асарда тасвирланган воқеалар ҳамда характер мантиғига кўра қиз ота-она розилигига қарши боришни ўзига муносиб кўрмайди. “Ҳамма гап шундаки, улар ким бўлишларидан қатъи назар, мени дунёга келтирган инсонлар! Уларнинг олдиларида ўзимни қарздор ҳисоблаб келардим. Негадир шунақа. Билмадим, бундай ҳисобловчи бир мен бўлмасам керак. Шарқлик қиз деганлари шу бўлса, ажабмас”, деб ёзилган Сабонинг мактубидан яна шундай жумлаларни ўқиймиз: “Мен ичимда дўзах азобини ҳис қилган куйи адамларга: “Сиз айтган кишига тегаман”, дедим” . Асар қаҳрамони Сабо замонавий бўлиши қаторида ҳодисаларга енгил-елпи

карайдиган қизлар тоифасидан эмас, унинг тасавурида оила, мухаббат, бурч каби тушунчалар улкан мазмун-моҳият ташийди.

Иккала асар қаҳрамонлари – ошиқ йигитлар ва маҳбуба қизларни бойлик, мартаба ва шон-шуҳратдан самимий инсоний муносабатларни устун қўйиш хислатлари яқинлаштиради.

Мажнун учун дунё молу давлатининг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Навоий талқинича:

Ошиқлик иши эрур забунлуқ,

Меҳнат чаҳи ичра сарнигунлуқ.

Моддий манфаат эвазига мухаббатидан воз кечишни сўраб “...санга элликта етмайди, санга юз минг ёзиб бераман. Юз минг доллар” дея зарда қилган Сабонинг отасига Самандар “Сиздек... юраксиз одамдан Сабодек кўнгил кишиси қандай қилиб туғилган экан?” деган қатъий эътирозини билдиради. Ёзувчининг кескин драматик сюжет яратиш борасида эришган ютуқларида ҳам анъаналарнинг муайян роли борлигини романдаги ана шунга ўхшаш кўпгина эпизодлар исботлаб туради. Бошқача айтганда, роман сюжетида адибнинг драматик карама-қаршиликларни тасвирлаш орқали асарнинг поэтик қимматини оширишга интилиши унинг буюк Навоий йўлидан боришга интилганлигини сездириб туради.

Аммо иккала асарда ҳам воқеалар ривожига туртки берувчи энг муҳим сабаблардан бўлишига қарамай, ижтимоий табақалар ўртасидаи зиддиятларга асосий эътиборни қаратиш ижодкорларнинг бош мақсади эмаслиги кўриниб туради. Иккала асарда ҳам мухаббатнинг илоҳий туйғу, азалий қисмат, дард эканлиги бадий асосланади, инсоннинг қалб гўзаллиги масаласига кучли урғу берилади. Бироқ бу дарддан асарлар қаҳрамонлари гарчи уларни ён-атроф, ўзи ҳаракат қилаётган шароит қўллаб-қувватламаётгани, муносабатларининг шу тахлитда давом этиши қаҳрамонларнинг ҳеч бирига фойда келтирмаслиги мумкинлигини кўра била туриб ҳам, воз кечиш имкониятига эга бўлолмайдилар. Мажнун ишқ дардидан қаттиқ изтиробга тушади, аммо ўзидаги кучли дарднинг борлиқдаги ҳеч бир жонзот ёки ҳодисотга зиён етказишини асло хоҳламайди, дастлаб итларнинг, сўнгра кўкнинг ўзидаги кўргиликдан шикаст топишларини истамайди, ҳатто кўр бўлиб туғилиши афзаллиги ҳақида ўйлаб, фикрлаб кўради:

Бал ит доғи ҳайф бу ғизоға,

Солмоқ недур итни ҳам балоға...

Ул кўкка доғи етиб касофат,

Бўлғай эди шояд анда офат...

Етмасдин бурна ишқдин зўр,

Кош ўлғай эди ики кўзум кўр.

Улуғбек Ҳамдам асарида ишқнинг моҳияти тўғрисидаги ҳикматларга дуч келамиз: “Ахир, фақат ишқ туйғусигина тирикликни, тирик юриш – эрталаб уйғонишу кечкурун бошни болишга қўйиш заҳматини оқлайди.

Адибнинг характер яратиш маҳорати мумтоз асарлар тажрибасини ижодий ўзлаштириш йўсинида камол топганлиги сезилади. Роман қаҳрамонлари ўз туйғу-қарашлари, муҳаббатга садоқати жиҳатидан, қолаверса, нодир истеъдод, мустаҳкам ирода, соҳир қалб эгалари экани билан ажралиб туради. Масалан, Самандар – жунунваш шоир. Навоий асарида Мажнуннинг ҳавас қилса арзийдиган камолот эгаси эканини ҳатто Лайлининг жоҳил отаси ҳам инкор эта олмаганлиги қуйидаги мисраларда ифода этилади:

Таърифида кўп ўтар эди сўз,
Гўёки анга тегурдилар кўз.
Бас қобил эдию дилписанд ул,
Озодавашу ниёзманд ул.
Ақли комилу каломи маъқул,
Бор эди манга ҳам асру мақбул.

Кўриняптики, ҳар иккала асарда оталар қанчалар жоҳил, кўрс ва қайсар бўлмасин, ошиқ йигитларнинг камолотини инкор этувчи далил келтира олишмайди, аксинча тан олишади.

Айнан ана шундай иқрорлар Сабонинг отаси тарафидан ҳам изҳор этилади. Унинг пушаймони “Биласанми, агар анави эррайим бойга “хўп” деб қўймаганимда қизингни ўша йигитга берардим” деган иқроридан ва ўша пайтдаги аҳволи чизгилари орқали асарда исбот этилади. У Самандарнинг ишқи ҳақиқийлигини ниҳоят англаган ва қилган ишидан афсус чекаётган эди.

Кўриниб турибдики, ёзувчи Улуғбек Ҳамдам ўз асарларида ғоявий ниятни ифодалашда Навоий анъаналаридан усталик билан ижодий фойдаланади. Ундан психологик таҳлил маҳоратини, кучли коллизияни эҳтирос билан ифодалашни, характерлар руҳиятини рамзий-мажозий тимсоллар воситасида ифодалашни ўрганди. Хуллас, “Сабо ва Самандар” романининг бадиий қиммати ёзувчининг адабий анъаналар йўлидан боргани, ўтмиш ижодкорларининг бадиий кашфиётларини чуқур ўргангани, ижодий ўзлаштиргани билан белгиланади.

Адабиётлар:

1. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том. Ҳамса: Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Фан, 1992. – 356 б.
2. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 408 б.

3. Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –
352

МУНДАРИЖА

<i>Зарипов Ботир Комилович</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ – БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС.	3
<i>Хамидов Обиджон Хафизович</i> НАВОИЙДАН МАДАД ОЛИБ, УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ	5
<i>Ибрагимова Феруза Бахадировна</i> НАВОИЙ – ЮКСАК ҒОЯЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ	7
1-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАЗМИЙ МЕРОСИ	
<i>Иброҳим ҲАҚҚУЛ</i> НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА КАСБИ КАМОЛ ҒОЯСИ ВА ТАЛҚИНИ.....	9
<i>Zilola Amonova LobarShokirova</i> “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUNOJOT TALQINI.....	12
<i>Odiljon Avaznazarov</i> “FARHOD VA SHIRIN”DA YO‘LOVCHI OBRAZI VA BADIY TUSH ALOQADORLIGI.	16
<i>Yunus Azimov</i> “XIRADNOMAI ISKANDARIY” VA “SADDI ISKANDARIY” DOSTONLARINING MUQADDIMAVIY BOBLARI BORASIDA AYRIM MULOHAZALAR	19
<i>Назора Бекова</i> ШОИРНИНГ ИККИ ТИЛДАГИ ШЕЪРИЯТИДА МАВЗУ, ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ ҲАМДА ШАКЛИЙ УНСУРЛАРДАГИ УЙҒУНЛИК ВА МУШТАРАКЛИК.....	22
<i>М. Voltayeva</i> ALISHER NAVOIYNING PEYZAJ YARATISH MAHORATI. 29	
<i>Гудзина Виктория Анатольевна</i> ТЕМА ПОЭТА В ЛИРИКЕ НАВОИ И ЗУЛЬФИИ	31
<i>Гулова Аноргул, Абдуллаева Феруза</i> Алишер Навоийнинг назмий асарлари – буюк маънавий сарчашма.....	36
<i>D.V.Dadajonova</i> ALISHER NAVOIY RUBOIYLARIDA BADIY SAN`ATLAR.	40
<i>София Джумаева</i> ЛИРИК ҚАҲРАМОН: ҲОЛАТ ВА ТАСВИР.....	42
<i>Иботова Мадина</i> МАҚОМИНГГА ЕТАЙИН ДЕБ НАВОИЙ АЙЛАР САЙР	45
<i>Mahliyo Ibroimova</i> “SITTAI ZARURIYA”NING YARATILISH TARIXI.	49
<i>Ismoilova Xumora,</i> “DEVONI FONIY”DA ILOHIY-ISLOMIY QARASHLARNING BADIY-G‘OYAVIY TALQINI.....	52
<i>Ҳ.Ў. Каримов</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МАЙ ВА МАСТЛИК РАМЗИ	54
<i>Ҳ.Р.Латипов, З.А. Носирова</i> ОРИФЛАР НАФСШУНОСЛАРДИР	58
<i>Mulloqulova Zebiniso</i> НАЙРАТ UL-ABROR” НИКОЯТЛАРИНИНГ НАЙРАТЛАРИ.....	64

<i>Murodova Gulchehra</i> “HAYRAT UL ABROR” DOSTONIDAGI SO‘Z TA‘RIFI BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI.....	68
<i>Шоҳиста Низомова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.....	71
<i>G. S.Omarova, M. R. Vozorbayeva</i> “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUALLIF DADIY NIYATINING IFODALANISHI.....	76
<i>Ражабова Маърифат</i> САМАНДАР – АБАДИЙ ҲАЁТ ТИМСОЛИ.....	80
<i>Зулайҳо Раҳмонова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ТАВБА ТАЛҚИНЛАРИ.....	84
<i>Sadullayeva Shahlo, Shamsiddinova Sitora</i> "LISON UT-TAYR" DOSTONIDA HAYRAT VA FAQR-U FANO VODIYLARINI TASVIRLASHDA TAMSILIIY NIKOYATNING AHAMIYATI.....	89
<i>Safarova Shahlola</i> “SABB‘AI SAYYOR” DOSTONI HAMD BOBINING G‘OYAVIY –BADIY TAHLILI.....	94
<i>Hilola Safarova, Mohigul Ismatova</i> ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDA OBRAZ YARATISH MAHORATI.....	98
<i>Sayliyeva Zarina</i> “HIRIY JON, BADANDIR XUROSON ANGA...”.....	100
<i>G. Sayidova</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDAGI O‘XSHATISHLARNING TASNIFI.....	104
<i>H. H. Teshayev</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.....	107
<i>Xudoyorova Nigora</i> NAVOIY NAZMINING JILOLARI.....	111
<i>Д.К.Эргашева</i> ПОЭТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ.....	113
<i>Ergasheva Naima</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA TANOSUB SAN‘ATI.....	118
<i>Хусниддин Эшонқулов</i> МАЪШУҚА ВА ОШИҚ ҲОЛИГА ХОС ИСТИОРАЛАШГАН ЭПИТЕТЛАРИНИНГ ҚОФИЯЛАНИШИ.....	120
<i>G. Sh.Qobilova</i> “SAB‘AI SAYYOR” DOSTONINING ILMIIY-TANQIDIY MATNINI YARATISHDA ASOS BO‘LGAN MANBALAR.....	124
<i>Дилрабо Қувватова, Зарнигор Соҳибова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОҒАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАҲОР ТАСВИРИНИНГ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАРИ..	126
<i>Halimova Shahlo</i> ALISHER NAVOIY TARJE‘BANDLARINING TASVIR MONIYATI.....	130
<i>Hojiyeva Nigina</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ	133
<i>Azimjon Hamidov</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARI NASHRIDAGI AYRIM TAFOVUTLAR HAQIDA MULOHAZALAR.....	137
<i>Vaxobova Shoxida</i> “MUNSHAOT” MAKTUBLARIDA NAVOIY QARASHLARINING AKS ETISHI.....	140

2-шўъба. АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАСРИЙ МЕРОСИ	
Н.Бекова, Ж.Шаропов «РУҲ УЛ -ҚУДС»ДА ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ТАЛҚИНИ.....	145
<i>Gulova Anorgul, Axmadova Farangiz</i> “MAHBUBUL –QULUB” ASARI – ALISHER NAVOIY NASRIY MEROSINING DURDONASI.	149
<i>Саидова Райҳон</i> “НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ”ДА МАЛОМАТ ВА МАЛОМАТИЙЛИК.....	152
<i>Sodiqova Dilorom</i> HADISLAR BADIY TALQINIDA NAVOIY VA MISKIN IJODIDAGI UYG`UNLIK	156
<i>Sherxon Qorayev</i> ALISHER NAVOIY ADABIY MAJLISLARI.	160
<i>Ғайрат Муродов</i> ЗАМОНАВИЙ РОМАНДА АЛИШЕР НАВОЙИЙ СИЙМОСИ.....	164
<i>Шавкат Ҳайитов</i> КОМИЛ ЖАМИЯТ ВА КОМИЛ ИНСОН ОРЗУСИ	171

3-шўъба. АЛИШЕР НАВОЙНИНГТИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

<i>Маматқул Жўраев</i> АЛИШЕР НАВОЙИ ҲАҚИДАГИ ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	177
<i>Ўраева Дармоной, Назарова Гулбаҳор</i> НАВОЙИ ҒАЗАЛЛАРИДАГИ МИФОНИМЛАРНИНГ АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ.....	186
<i>Собит Авезов</i> НАВОЙИ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ.....	190
<i>Арипова Халима</i> АЛИШЕР НАВОИ И УЗБЕКСКИЕ МАКОМЫ.	195
<i>Vozorova Lobar</i> ALISHER NAVOIYNING XALQ SAN`ATI VA UNING TURLARIGA DOIR MULOHAZALARI.....	197
<i>Мунис Жўраева</i> НАВОЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИГА ТАЪСИРИ.....	201
<i>Rajabova Ra`no</i> ALISHER NAVOIY IJODIDA FOLKLOR AN`ANALARI.....	203
<i>Kamildjanov Muxammadjon Ne`matdjonovich</i> ALISHER NAVOIY ILMIY MEROSIDA KOMIL INSON MAVZUSI	206
<i>Rustamova Gavhar</i> ALISHER NAVOIY G`AZALLARIDA DARAXTLAR BILAN BOG`LIQ OBRAZLARNING BADIY IFODASI.....	210
<i>Turdiyev Bexruz Sobirovich</i> NAVOIY ILMIY MEROSI - MILLIY MA`NAVIY YANGILANISHIMIZ YOYDEVORI	213
<i>Тўраева Лайло</i> АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИДА ДЕҲҚОНЧИЛИККА МУНОСАБАТ ИФОДАСИ	216
<i>Худайқулова Латифа</i> ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ СЮЖЕТИДАГИ МОТИВЛАРНИНГ “МАЖОЛИСУН-НАФОИС” ДА АКС ЭТИШИ	218
<i>Nikmatova Nigina</i> ALISHER NAVOIY – ILM NOMIYSI.	221

<i>Qalandarov Hamza</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDA ISLOM TA'LIMOTI VA TASAVVUF G'OYALARI.....	224
<i>Qilichev R.</i> ALISHER NAVOIY SURATINI CHIZGAN MUSAVVIRLAR.	226
<i>Шабнам Юсуфзода</i> “МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДА “ДЕВОНИ ФОНИЙ” ШАРҲИ.....	229
<i>Muhtaram Rajabova</i> ALISHER NAVOIYNING SIYOSIY HUQUQIY QARASHLARI.....	233
4-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ	
<i>М.К.Абузалова, У.Ш.Аҳмадова</i> НАВОИЙ ШАХСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР.....	237
<i>Атоулло Ахмедов</i> НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МЕЪЁР.....	241
<i>Ёқуб Саидов</i> «МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....	244
<i>Бибиш Жўраева</i> ЭЛИГА ЎЗЛИГИН ТАНИТГАН ДАҲО.....	248
<i>Х.А. Арипова, Н.Н. Розикова</i> АЛИШЕР НАВОИ О КУЛЬТУРЕ РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	251
<i>В.Е. Kilichev</i> “МУНОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” ВА СО‘ЗЛАРАРО МА’НОВИЙ МУНОСАБАТ.....	257
<i>Г.Тоирова, Г.Хайруллаева</i> НУТҚНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ РАЗМЕТКА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ.....	260
<i>Г.Тоирова, Н.Ҳамроева</i> НУТҚ ОДОБИ НАВОИИ НАЗМИДА.....	263
<i>D.A. Axmadova</i> “LISON UT – TA’YR”DA METAFORALAR.....	266
<i>Н.Жахонова</i> НАВОИЙ ҚЎЛЛАГАН ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОВИЙ ГУРУҲЛАРИ ХУСУСИДА.....	269
<i>Норова М.Ф.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА КЎМАКЧИЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	273
<i>Sevara Po`latova</i> ALISHER NAVOIY IJODIDA AREAL LINGVISTIKA ...	276
5-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ, ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ	
<i>Ф.А.Муминов</i> БЫЛ ЛИ АЛИШЕР НАВОИ СУФИЕМ И МИСТИКОМ?	279
<i>Д.С.Ўраева, З.Б.Джалилова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ГУЛЛАР ОБРАЗИНИНГ АСЛИЯТ ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ	285
<i>M.I. Gadoeva</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA QO‘LLANILGAN “BAG‘IR” SOMATIZMINING INGLIZCHA VA RUSCHA TARJIMADA BERILISHI.....	288
<i>Mehrigiyo Jo‘rayeva</i> NAZM VA NAVODAGI HAMOHANGLIK	292
<i>D.A. Nasriyeva</i> NAVOIY ASARLARINING TARJIMADAGI O‘RNI.....	294

<i>З.Л. Умуров</i> ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ БОБУРНОМА”СИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ВАСФИ	298
<i>M.Q. Choriyeva</i> ABDURAHMON TAMKIN VA U YASHAGAN DAVR IJODKORLARI IJODIGA ALISHER NAVOIY ASARLARINING TA’SIRI.....	301
<i>D.I. Haydarova</i> GHAZALS OF ALISHER NAVOIY THROUGH THE EYES OF DENNIS DALY	304
<i>I.O. Hamidova</i> “MA’NAVIYAT” (SPIRITUALITY) IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES.	305
6-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНинГ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИЛИШИ МУАММОЛАРИ	
<i>Ахмедова Шоира</i> ЭССЕДА БУЮК ШОИР ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ.....	310
<i>Боқижон Тўхлиев</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ШАРҲИ – ЎҚУВЧИЛАРДАГИ АДАБИЙ ҚИЗИҚИШЛАРНИ ОШИРИШ ОМИЛИ.....	314
<i>Bafoyeva Nigora, Quvatillayeva</i> NIGINA LITSEY VA MAKTAB DARSLIKLARIDA NAVOIY IJODINING O’RGANILISHI.....	318
<i>Berdiyev X.X., Zaripova Zulfizar</i> MAKTAB DARSLIKLARIDA ALISHER NAVOIY LIRIKASINING O’RGANILISHI.....	321
<i>Gulova Anorgul, Xoliqulov Muhammad</i> HAZRAT NAVOIY ASARLARINI O’RGANISH KO’ZGUSI.....	325
<i>Давронова Шохсанам</i> УЛУҒБЕК ҲАМДАМ ИЖОДИДА НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ.....	329
<i>Mirsharipova Shahzoda</i> TARIXIY ASARLARDA ALISHERNING BOLALIGI TAIQINI.....	335
<i>Насима Қодирова</i> КИЧИК ЖАНРЛАР ТАҲЛИЛИ ОРҚАЛИ НАВОИЙНИ ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	338
<i>Нигора АБДУСАЛОМОВА</i> НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШДА АКАДЕМИК ТўРА МИРЗАЕВ ИЛМИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРНИ.....	342
<i>Норова Насиба</i> УСМОН ҚЎЧҚОР ИЖОДИДА НАВОИЙ ОБРАЗИ.....	345
<i>Nafosat O’roqova, Nigora Shomurodova</i> NAVOIYIJODINI O’RGANISHDAGI AYRIM MASALALAR.....	349
<i>Obidjon KARIMOV</i> HOZIRGI YOSHLAR MA’NAVIYATINI RIVOJLANTIRISHDA ALISHER NAVOIYNING O’RNI.....	352
<i>Qudratova Muborak</i> FITRAT – “FARHOD VA SHIRIN” TADQIQOTCHISI.....	355
<i>Rajabov Dilshod Zaripovich, Ahrorova Nigina Anvarovna</i> O’RTA MAKTABDA ALISHER NAVOIY QIT’ALARINI O’RGANISH.....	358

<i>Yuldasheva Dilorom Nigmatovna</i> MIR ALISHER NAVOIY: BILIM O‘ZLASHTIRISHNING GRADUAL BOSQICHLARI.....	361
<i>Yusupova Dildora Yunus qizi, Yuldasheva Dilorom Nigmatovna</i> «NAVOIY – NON...»	365
<i>Teshaev Nutfullo Nasrulloevich</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ	369
<i>Umriniso Turaeva</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ТАЛҚИНИДА.....	373
<i>Zoyirova Go'zal Nematovna</i> NAVOIYNI SUYGAN EL.....	377
<i>Omarova Gavhar Sadikovna, Alimboyeva Sabohat</i> ALISHER NAVOIYNING ILMIY MEROSI- YOSHLAR MA'NAVIY YUKSALISHI VA TARBIYASIDAGI ANAMIYATI.	381
<i>Ruzigul Qodirova</i> АЛИШЕР НАВОИЙ БАЙТЛАРИ ШЕЪРШУНОС ОЛИМ НИГОҲИДА.....	383
<i>Oltinoy Kurbonova</i> НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ	386
<i>Qo'ldoshev Rustambek Avezmurodovich</i> “DEVONI FONIY”NI TOJIKZABON MAKTABLARIDA O‘QITISH MUAMMOLARI	389